

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР МИНБАРИ

ТРИБУНА МОЛОДЫХ
ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ

TRIBUNE OF THE YOUNG
RESEARCHER

УДК: 902.65

ОЁҚОҒИТМА КЎЛИ ШИМОЛИЙ КИРҒОҒИНИНГ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ТОПИЛМАЛАРИ

© 2022. Имомов Азиз

Самарқанд Археология институти

Калит сўзлар: палеолит, учиринди, Оёқоғитма, қатлам, кремний, дорсал, вентрал, дистал, проксимал, зарб майдонча, патина, казишма.

Оёқоғитма ботиғи ҳудудида дастлабки археологик-қидирув ишлари XX асрнинг 60-йилларида А. В. Виноградов бошчилигидаги экспедиция томонидан амалга оширилган бўлиб, бу ердан ўрта палеолит даврига оид бир нечта топилмажойлар аниқланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Оёқоғитма ботиғида Ўзбекистон–Польша (1995 йилдан) ҳамда Ўзбекистон–Франция (2009 йилдан) халқаро ҳамкор экспедициялари интенсив тадқиқотлар олиб борган. Бу ерда неолит даврига оид муҳит илмий натижаларни берган Оёқоғитма макони очиб ўрганилди. Ҳудудда тадқиқотлар икки йўналишда: неолит ва палеолит даври ёдгорликларини топиб ўрганиш бўйича олиб борилди. Натижада, 2012 йилда Оёқоғитма кўли атрофидаги 11 та нунктдан сўнги палеолит даврига оид тош буюмлар йиғиб олинди.

2021 йилнинг ёзида Самарқанд Археология институти ва Самарқанд Давлат Университети мутахассисларидан таркиб топган гуруҳ Оёқоғитма ботиғининг шимолий қирғоғида археологик дала-қидирув ишларини амалга оширди. Натижада, Оёқоғитма 2 дан неолит макони топилди ҳамда унинг ҳудудидан ва атрофидан 15 дан ортиқ палеолит даврига тегишли тош буюмлар йиғиб олинди. Улар орасида кремнийдан ишланган учиринди ва пластиналар мавжуд бўлиб, қалин ташқи патина билан қопланган.

Бу жойдаги неолит макони битта маданий қатламини сақлаб қолган. Аммо, палеолитга оид тош буюмлар бу жойга юқорироқдан, кўлнинг қадимги бортининг табиий таъсирлар сабаб бузилиши оқибатида тушиб қолган. Ушбу топилмаларни сақланиш даражаси ва ишланиш техникасига кўра, ўрта палеолит даври билан саналаш мумкин. Ушбу мақола юқорида таъкидланган тош буюмларнинг техник-типологик тадқиқотига бағишланади.

НАХОДКИ ПАЛЕОЛИТИЧЕСКОГО ПЕРИОДА НА СЕВЕРНОМ БЕРЕГУ ОЗЕРА АЯКАГИТМА

© 2022. Имомов Азиз

Самаркандский Институт археологии

Ключевые слова: палеолит, отщеп, Аякагитма, слой, кремь, дарсаль, вентраль, дисталь, проксималь, ударная площадка, патина, шурф.

Первоначальные археолого-разведочные исследования на территории впадины Аякагитма, где были обнаружены несколько местонахождений каменных изделий среднепалеолитической эпохи, были произведены археологической экспедицией во главе с А. В. Виноградовым в 60-е годы XX столетия. После приобретения Узбекистаном независимости на территории впадины Аякагитма проводятся интенсивные археологические исследования силами

Узбекско-Польских (с 1995 года) и Узбекско-Французских (с 2009 года) совместных международных экспедиций. Здесь была открыта и исследована неолитическая стоянка Аякагытма, результаты изучения которой получили мировую известность. Исследования проводились в двух направлениях: были открыты и изучены неолитические и палеолитические памятники данной территории. В 2012 году в окрестностях впадины были зафиксированы 11 пунктов каменных изделий, предварительно отнесенных к эпохе позднего палеолита.

Летом 2021 года отряд в составе специалистов Самаркандского института археологии и Самаркандского государственного университета произвели разведовательно-полевые исследования на северном борту впадины Аякагытма. В результате здесь была открыта новая неолитическая стоянка – Аякагытма 2, на территории которой и в ее окрестностях была собрана коллекция каменных артефактов (более 15 экз.) палеолитического времени. Среди них представлены отщепы и пластины, покрытые толстой патиной.

Неолитическая стоянка, обнаруженная здесь, – однослойная. Но палеолитические изделия сюда попали в результате разрушения древнего борта впадины при воздействии природных явлений. По степени сохранности и техники выполнения эти каменные изделия могут быть отнесены к эпохе среднего палеолита. Данная статья посвящается технико-типологическим исследованиям вышеотмеченной коллекции каменных изделий.

2021 йилнинг ёз ойларида ЎзР ФА Миллий археология маркази (МAM) ва «Acwa Power Bash Wind» МЧЖ ўртасида тузилган хўжалик шартномасига биноан, Самарқанд Археология институти ва Самарқанд Давлат университетининг мутахассисларидан таркиб топган гуруҳ Қизилқумнинг жанубий-шарқидидаги Оёқоғитма ботиғи атрофида лойиҳада белгиланган ҳудудда археологик дала-қидирув тадқиқот ишларини амалга оширди. Лойиҳада белгиланган ҳудуднинг шимолий-ғарбий чегарасидан, Оёқоғитма ботиғининг шимолий бортидан неолит даврига (мил.а вв. VII–V минг йилликлар) оид янги Оёқоғитма-2 неолит макони ва шунингдек макон ҳудуди ер устидан ва унинг атрофларидан 15 дан ортиқ палеолит даврига оид ишлов берилган тош буюмлар (тахминаи мил.авв 100–40 минг йилликлар) йиғиб олинди. Маконнинг ҳудуди (денгиз сатҳидан баландлиги 222 м, координатлари: 41Т 0630947, 4503683) 130 x 70 м майдонни эгаллаган ва уч томондан жарликлар билан ажралган. Ёдгорликнинг шарқий томони баланд тепаликка туташган, жанубий томонидаги жарлик ва унинг катта қисми ювилиб кетган (1, 2-расм).

Оёқоғитманинг палеолит даври топилмажойи фанда янгилик эмас. Ўтган асрни 60-йилларда А. В. Виноградов Оёқоғитма ботиғида тадқиқот ишларни олиб борган ва бу ҳудудда палеолит даврига оид бир-нечта топилмажойлар аниқланган. Топилмалар фақат тош буюмлардан иборат бўлиб, ўрта палеолит даври билан саналанган (3-расм, 1, 2) (Виноградов, 1981. С. 47–48).

А. В. Виноградовнинг тадқиқотлари натижасида Оёқоғитмадан бир неча чақирим масофада жойлашган Қизилқумнинг жанубий-шарқий қисмидан Бошоғитма, Қорасигир, Эчкиликсой каби топилмажойлар аниқланган. Айнан Қорасигир чўкмасининг шарқий қирғоғида ўрта палеолитга оид Қизилнура I ёдгорлиги эътиборга лойиқдир. Қизилнура I ёдгорлигини дастлаб 1962 йилда Э. Д. Мамедов томонидан топилган бўлиб, 1966–1970 йилларда уни А. В. Виноградов тадқиқ килди ва унинг Қизилқум минтақасидаги энг йирик қароргоҳ еканлиги аниқланди. Топилмалар ер юзасида сочилган ҳолда бўлган. Унча катта бўлмаган майдондан 200 га яқин тош ашёвий буюмлар йиғиб олинди.

2012 йилнинг кузида Ўзбекистон–Польша–Франция кўшма экспедицияси Оёқоғитма ботиғининг шарқий томонидан сўнгги палеолит даврига тегишли 11 та пункт аниқланди. А. В. Виноградов топилмаларидан фарқли равишда бу ердан илк маротаба леваллуа нуклеус, кўп фасеткали кесгич топилган (3-расм, 3, 4). (Хужаназаров, Брунет,



1-расм. Оёқогитма 2 маконининг умумий кўриниши

Рис. 1. Общий вид стоянки

Figure 1. General view of the parking lot

Сайфуллаев, Хошимов, Рахимов, 2012. С. 217–220). Бундан ташқари, 11 та пунктдан учириндилар, пластиналар, нуклеус, кесгич, псевдокуроллар ҳам аниқланган. Уларнинг деярли барчаси патина билан қопланган кремнийлардан ишланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу 11 пунктдан топилган тош буюмлар Самарқанд сўнгги палеолит макони ва Кўлбулоқнинг юқори қатламлари материаллари билан ўхшашликларга эга. (Сайфуллаев, Хужаназаров, Джурақулова, 2017. С. 31–37).


Қуйида 2021 йилда Оёқогитма 2 неолит макони ҳудудидан йиғилган палеолит даври тош буюмларининг барчаси жигарранг кремнийлардан ишланган. Улардан бири



2-расм. Оёқогитма 2 маконининг харитадаги жойлашиши

Рис. 2. Место расположения стоянки Аякгитма 2 на карте


Figure 2. Map showing location of the site of Ayakgitma 2



3-расм. 1–2 учириндилар (Виноградов, 1967); 3 – леваллуа нуклеус; 4 – тош кесгич (Ўзбекистон-Польша-Франция экспедицияси, 2012)

Рис. 3. 1–2 отщепы (по: Виноградов, 1967); 3 – нуклеус леваллуа; 4 – камнерезное орудие (экспедиция Узбекистан-Польша-Франция, 2012)

Figure 3. 1–2 flakes (after: Vinogradov, 1967); 3 – Levallois nucleus; 4 - stone-cutting tool (expedition Uzbekistan-Poland-France, 2012)




4-расм. 1– пластинанинг проксимал қисми; 2-3-учириндилар

Рис. 4. 1 – Проксимальная часть пластины; 2–3 отщепы

Figure 4. 1 - Proximal part of the plate; 2–3 flakes

пластинанинг медиал фрагменти бўлиб, ҳажми 27 x 15 x 02 мм. Дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллел характерга эга (4-расм, 1). На-вбатдаги буюм учиринди бўлиб, унинг ҳажми 40 x 36 x 10 мм дан иборат. Унинг чак-



5-расм. 1–5, 7–8 – учириндилар; 6 – пластинанинг проксимал қисми

Рис. 5. 1–5, 7–8 – отщепы; 6 – проксимальная часть пластины

Figure 5. 1–5, 7–8 – flakes; 6 – proximal part of the plate

чизиксимон, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллел ҳарактерга эга ва табиий оҳакли қопламасини қисман сақлаб қолган. Учириндининг шарнири юмалок шаклли (5-расм, 1).

Кейинги учиринди кремнийдан ишланган, ҳажми 86 x 57 x 19 мм. Чақмоқланиш бурчаги 90°. Учириндининг зарб майдончаси икки фасеткали текис ва профили тўғри чизиксимон. Зарб тепалиги бироз бўртган. Чап латералининг дистал қисмида псевдоретушлар мавжуд. Дорсалидаги йўнилғи негативлари чорраҳасимон ҳарактерга эга (5-расм, 2).

Коллекциянинг жигарранг кремнийли учириндиларидан яна бирининг ҳажми 43 x 42 x 08 мм. Чақмоқланиш бурчаги 82°. Зарб майдончаси текис ва профили тўғри чизик симон. Зарб тепалиги бироз бўртган ва зарб тепалигининг ўйиғи йирик ҳажмли. Дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллел ҳарактерга эга. Учириндининг дистали синган (5-расм, 3).

Тўпламдаги кремнийлашган сланецли комбева типдаги учириндининг ҳажми 66 x 66 x 10 мм. Зарб майдончаси текис ва орқа тарафига бироз қиялашган. Учириндининг профили тўғри чизиксимон. Йўнилғининг вентралдаги зарб тепалигининг ўйиғи йирик ҳажмли. Дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр-субпараллел ҳарактерга эга. Учириндининг периферияси бўйлаб изоляциялашган механик ҳарактердаги иррегуляр псевдоретушлар мавжуд. Буюм икки хил патинага эга, яъни уни дорсалидаги негативлари вентралига нисбатан кўпроқ патинизациялашган (5-расм, 4).

Жигарранг кремнийдан ишланган навбатдаги учириндининг ҳажми 42 x 61 x 10 мм. Чақмоқланиш бурчаги 89°. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва табиий оҳак қо-

моқланиш бурчаги 99° ни ташкил қилади. Учириндининг зарб майдончаси икки қиррали текис ва дорсал тарафига бироз қиялашган, профили тўғри чизиксимон, зарб тепалиги бўртган ва зарб конуси ёрқин ифодали. Зарб тепалигининг ўйиғи учиринди вентралининг ён томонида жойлашган. Дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллел ҳарактерга эга. Учириндининг шарнири (ошиқ-мошиқ) S-симон (4-расм, 2).

Тўпламдаги кейинги буюм ҳам учиринди бўлиб, ҳажми 24 x 20 x 03 мм. Чақмоқланиш бурчаги 91°. Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган текис. Профили тўғри чизиксимон ва зарб тепалиги бироз бўртган. Дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллел ҳарактерга эга (4-расм, 3).

Навбатдаги учиринди кремнийлашган сланецдан ишланган ва ҳажми 51 x 32 x 14 мм. Чақмоқланиш бурчаги 910°. Учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган текис. Профили тўғри

пламасини қисман сақлаб қолган. Зарб тепалиги бироз бўртган. Зарб тепалигининг ўйиғи ўртача ҳажмли. Дорсалидаги йўнилғи негативлари чорраҳасимон характерга эга. Учириндининг қалин дисталида ҳам табиий оҳакли қопламасини сақлаб қолган (5-расм, 5).

Коллекциянинг кейинги буюми жигарранг кремнийли пластинанинг проксимал фрагменти бўлиб, ҳажми 35 x 16 x 05 мм. Зарб майдончаси чизиксимон ва бўртиб чиққан. Зарб тепалиги кучли бўртган, профили қайрилган. Дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллел характерга эга. Пластина бироз дефляцияга учраган (5-расм, 6).


Навбатдаги жигарранг кремнийли учириндининг ҳажми 22 x 60 x 02 мм. Зарб майдончаси чизиксимон. Зарб тепалиги бироз бўртган. Учириндининг профили тўғри чизиксимон. Дорсалидаги йўнилғи негативлари қарама-қарши субпараллел характерга эга. (5-расм, 7). Кейинги жигарранг кремнийли учириндининг ҳажми 30 x 51 x 08 мм. Зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Дорсалдаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерига эга. Унинг дистал қисми табиий қобик билан қопланган ва ўнг латералида иррегуляр қисмида ретуш излари мавжуд (5-расм, 8). Кейинги жигарранг кремний учириндининг ҳажми 38 x 41 x 04 мм бўлиб, зарб майдончаси фасеткалаштирилган. Учириндининг профили тўғри чизиксимон. Зарб тепалиги бироз бўртган. Учиринди вентралнинг ўнг латерал қисмида ретушлари мавжуд. Дорсалдаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерга эга (6-расм. 1). Тўшламнинг жигарранг кремнийли яна бир учириндисининг ҳажми 50 x 51 x 14 мм. Зарб майдончаси текис. Зарб тепалиги бироз бўртган ва зарб майдончаси вентрал қисмида ўйиғи мавжуд. Дорсалдаги йўнилғи негативлари узунасига қарама-қарши-субпараллел характерига эга. Учиринди чап латерали қисман табиий қобик билан қопланган (6-расм, 2).

Навбатдаги буюм жигарранг кремнийдан ишланган пластина бўлиб, ҳажми 47 x 13 x 04 мм. Пластинанинг профили тўғри чизиксимон. Дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллел характерга эга. Пластинанинг ўнг латерал-проксимал қисмида иррегуляр ретушлар излари мавжуд (6-расм, 3).

Ва ниҳоят, тўшламнинг сўнгги учириндиси жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 50 x 40 x 10 мм. Зарб майдончаси текис. Зарб тепалиги бўртиб чиққан. Дорсалдаги йўнилғи негативлари узунасига қарама-қарши характерга эга (6-расм, 4).

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ботиқнинг шимолий қирғоғида палеолит ва неолит даври жамоалари томонидан интенсив истиқомат қилинган. Плейстоцен даврида кўлнинг соҳиллари юқорида жойлашган бўлган ва уларнинг материаллари пастга келиб жойлашган неолит даври жамоалари маконларига оқиб тушиб қолган.

Оёқоғитма ботиғида одамлар ўрта палеолит давридан бошлаб яшаганлиги сир эмас. Аммо бир муаммо борки илк палеолит даврига оид бу худудда макон ёки тош артефакт



6-расм. 1–2, 4 – учириндилар; 3 – пластина
 Рис. 6. 1–2, 4 – отщепы; 3 – пластина
 Figure 6. 1–2, 4 – flakes; 3 – plate

халигача топилгани йўқ. Балки келгуси изланишлар ва экспедициялар бу фикримизни ўзгартирар.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Виноградов А. В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья // ТХАЭЭ. Т. XIII / Отв. ред. М. А. Итина. М.: Изд-во АН СССР, 1981. С. 47–48.
- Сайфуллаев Б. К., Хужаназаров М. М., Дзжуракулова Д. М. Новые данные по палеолиту Кызылкумов / Отв. ред А. Э. Бердимурادова // История и археология Турана. № 3 Самарканд. 2017. С. 31–37
- Хужаназаров М. М., Брунет Ф., Сайфуллаев Б. К., Хошимов Х. Б., Рахимов К. А. Новые данные по палеолиту Аякагитминской впадины // Археологические исследования в Узбекистане 2012 г. Вып. № 9. / Отв. ред А. Э. Бердимурадова. Самарканд 2013. С. 217–220.

REFERENCES:

- Vinogradov A.V. 1981. In Itina M. A. (ed.), *Drevniye okhotniki i rybolovy Sredneaziatskogo mezhdurech'ya* (Ancient hunters and fishermen of the Central Asian interfluve) / THAEE (Proceedings of the Khorezm archaeological and topographic expedition). Moskva, Izdatel'stvo Akademii nauk SSSR, Publ., 47–48 (in Russian).
- Sayfullayev B. K., Khuzhanazarov M. M., Dzhurakulova D. M. 2017. In Berdimuradov A. E.(ed) *Novyye dannyye po paleolitu Kyzylkumov* (New data on the Kyzylkum Paleolithic) // History and archeology of Turan. Issue 3. Samarkand, 31–37 (in Russian).
- Khuzhanazarov M. M., Brunet F., Sayfullayev B. K., Khoshimov Kh. B., Rakhimov K. A. 2013. In Berdimuradov A. E. (ed). *Novyye dannyye po paleolitu Ayakagitminskoy vpadiny* (New data on the Paleolithic of the Ayakagitma depression) // Archaeological research in Uzbekistan 2012. Issue 9. Samarkand, 217–220 (in Russian).

PALEOLITHIC PERIOD FINDINGS ON THE NORTH SIDE OF LAKE AYAKAGITMA

© 2022. Aziz Imamov

Samarkand Institute of Archeology

Key words: Paleolithic, flake, Ayakagitma, layer, flint, darsal, ventral, distal, proximal, striking platform, patina, trench.

The initial archaeological and exploration studies on the territory of the Ayakagytma depression were carried out by an archaeological expedition led by A.V.Vinogradov in the 1960s, when several locations of stone tools of the Middle Paleolithic era were discovered. Since Uzbekistan gained its independence, intensive archaeological studies have been carried out within the territory of the Ayakagytma depression by the Uzbek-Polish (since 1995) and Uzbek-French (since 2009) joint international expeditions. Here the Neolithic site of Ayakagytma was discovered and studied to make the findings internationally known. The research was carried out in two directions: the Neolithic and Paleolithic monuments across this territory were studied. In 2012, in the vicinity of the depression, 11 sites were recorded by stone artifacts, tentatively attributed to the Late Paleolithic.

In the summer of 2021, a team of specialists from the Samarkand Institute of Archeology and Samarkand State University carried out reconnaissance and field research on the northern side of the Ayakagytma depression. As a result, a new Neolithic site, Ayakagytma 2, was discovered here. A collection of stone artifacts (over 15 items) of the Paleolithic time was collected at the site and its environs. Those also comprised flakes and plates, covered with thick patina.

The Neolithic site identified here is single-layered. However, the Paleolithic artifacts moved here as a result of the destruction of the ancient side of the depression under the influence of natural phenomena. Based on the state of conservation and execution technique, these stone products can be attributed to the Middle Paleolithic. This article is devoted to the technical and typological studies of the above-mentioned collection of stone tools.